# Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди

Бугун, Узун тумани ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг навбатдаги 54 сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туман Кенгаши депутатлари, тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сессия ишида депутатлар томонидан кун тартибидаги 12 та масала кўриб чиқилди.

Сессия ишини Халқ депутатлари Узун туман Кенгаши раиси ўринбосари – Тошбоев Бўри Ишмаматович бошқариб борди.



Сессияда кун тартибидаги масалалар юзасидан масъулларнинг ҳисоботлари тингланди ва уларнинг ҳисоботлари депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарор лойиҳалари қабул қилинди.